

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ томонидан
Хўжалик юритувчи субъектларни
кредитлаш тўғрисида”ги Низомга
б-сонли илова

№ ____-сонли Кредит шартномаси

20 ____ йил _____

Бир томондан АТБ “ASIA ALLIANCE BANK” номидан харакат килувчи бундан бўён, матнда
“Банк” деб юритилади, номидан ____ йил _____ даги ____сонли Ишончномага асосан фаолият
кўрсатувчи _____ ва
иккинчи тарафдан Уставга асосан фаолият кўрсатувчи “_____” МЧЖ бундан бўён, матнда
“Карз оловучи” деб юритилади, номидан хўжалик юритувчи субъект раҳбари
_____ ушбу шартномани кўйидагилар тўғрисидаги туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Банк Карз оловчига _____ (_____) сўм / 00 тийин) микдоридаги киска
муддатли кредит маблагларини очик кредит линияси орқали револьвер асосида,
максадлари учун тақдим этади.

2. Кредитни бериш ва тўлаш тартиби

2.1. Кредит Карз оловчига мазкур шартноманинг 1.1.-бандида кўрсатиб ўтилган кредит максадлари учун
тақдим этилади.

2.2. Кредит муддати – ажратилган кредитни 12 ой муддат ичидаги тўлиқ қайтариш шарти билан
(_____) ойга берилади. Бунда, кредитлар траншлар асосида ажратилади ва ҳар бир транш муддати 12
ойдан ошмаслиги лозим.

2.3. Кредит тури – очик кредит линияси орқали револьвер асосида.

2.4. Очик кредит линияси орқали револьвер асосида кредит линиясидан фойдаланиш имконияти –
мазкур шартнома имзоланган санадан бошлаб ____ (____) ой.

2.5. Кредит, Карз оловчига алоҳида ссуда хисобраками орқали унинг тўлов хужжатлари асосида
Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда ажратилади.

2.6. Кредит маблаглари ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган Кредитни қайтариш жадвалига
мувофик кредит валютасида қайтарилади.

2.7. Агар кредит бўйича асосий карзни қайтариш ва фоизларни тўлаш саналари банк иш кунига тўғри
келмаса, унда тўловлар кейинги банк иш кунига ўтказилади.

2.8. Агар карз оловчи кредитни асосий карзини Кредитни қайтариш жадвали бўйича белгиланган
муддатда қайтармаса, Банк карзиниң тўланмаган кисмини муддати ўтган кредитлар хисобига ўтказади. Карз
оловчи муддати ўтказиб юборилган карз мажбурнятларининг ҳар бир куни учун ушбу шартноманинг 3.1-
бандига мувофик равишда фоизлар тўлайди.

3. Кредит учун тўлов

3.1. Банк кредитнинг ҳақиқатдаги колдиги хисобидан келиб чишиб, йиллик ____ (_____) фоиз
ставкаси микдорида устама ҳак хисоблайди. Кредитни қайтариш графигига кўра, асосий карзни қайтариш
муддати бузилган тақдирда, Банк ҳақиқатда муддати ўтказиб юборилган асосий карзга кредит бўйича
ўрнатилган фоиз ставкасининг 1.5 баробари микдорида оширилган фоиз хисоблайди. Кредит бўйича фоизлар
карздор томонидан олинган кредитнинг валютасида тўланади.

3.2. Фоизлар кредитни ўзлаштиришнинг биринчи кунидан бошлаб, кредит маблагларининг амалдаги
колдигига, кунлик равишда, иш кунининг якунидаги, ҳар ойдаги ҳақиқатдаги кунлар сонидан келиб чиккан холда,
йилда 365 кун хисобида хисобланади.

3.3. Карз оловчи томонидан конвертация қилишга Ўзбекистон Республикаси валюта биржасига
йўналтириладиган кредит маблаглари учун фоизларни хисоблаш, ҳарид қилинган чет эл валютаси Карз
оловчининг маҳсус валюта хисоб ракамига кирим қилинган кундан бошлаб амалга оширилади.

Агар конвертацияга йўналтирилган миллий валютадаги кредит маблаглари Карз оловчининг ташаббуси
ва топшириги билан у томондан кредит шартномасига зид бўлмаган максадларга қайтадан йўналтирилса, ушбу

маблаглар бўйича фоизларни хисоблаш, кредит маблагларини йўналтириш санасидан бошлаб амалга оширилади.

Агар кредит маблаглари хорижий валютада бўлса: Карз олувчи хорижий валютада кредит олиш бўйича ўзининг танлови ва бундай танловга кўра хорижий валюта курсининг ўзгариши натижасида хорижий валютада олинган кредит бўйича миллий валютадаги карз юкининг ошиб кетиши билан боғлиқ развишда келиб чикадиган хавф-хатарлар ва окибатлар тўғрисида Банк томонидан огоҳлантирилган ва карз олувчи бундай окибатлар юзага келиши мумкинлигидан тўлиқ хабардор.

3.4. Карз олувчи, кредит ажратилгандан кейин 20 йилнинг ____ оидан бошлаб, ҳар ойнинг ____ санасида, Банкка ушбу шартномага мувофик кредитдан фойдаланганлик учун хисобланган фоизларни тўлади.

Хисобланган фоизлар белгиланган муддатда тўланмаган ҳамда улар бўйича муддати ўтган карздорликлар юзага келган холларда, Қарздор Банкка кечикирилган ҳар бир кун учун, кечикирилган тўлов суммасининг 0,15 % миқдорида, лекин кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пея тўлади.

3.5. Кредит бўйича асосий карз ва фоизларни қоплаш, Банк томонидан Карз олувчининг тўлов топширикномаларини бажариш, Банкнинг тўлов талабномалари ва/ёки мемориал ордери орқали Қарздорнинг депозит хисобварагидан маблагларни мустакил равишда ечиб олиш йўли билан амалга оширилади.

3.6. Агар ушбу шартнома бўйича қарздор томонидан пул мажбуриятларини бажариш кунида тўланиши лозим бўлган маблаглар Банкнинг тегишли хисоб ракамида бўлмаса ёки келиб тушмаса, кредитни кайтариш ва ундан фойдаланганлик учун хисобланган фоизларни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг ўз вактида ва тўлиқ бажарилшини таъминлаш максадида Карз олувчи Банкка банкдаги ва бошқа банкларда очилган хисоб вараклардаги маблагларини қарздорликларни қоплаш учун йўналтиришга ҳамда ечиб олишга топширик беради.

3.7. Карз олувчи хисоб ракамига келиб тушадиган маблаглар унинг ушбу шартнома бўйича қарздорликларни қоплаш учун куйидаги тартибда йўналтирилади:

- пеяларни қоплаш бўйича кечикирилган тўловлар;
- кредит фоизлари бўйича кечикирилган тўловлар;
- кредитнинг асосий карзини қоплаш бўйича кечикирилган тўловлар;
- муддати ўтган асосий карзга кўпайтириб хисобланган фоизлар бўйича тўловлар;
- кредит бўйича муддатли фоизлар тўловларини қоплашга;
- кредит бўйича муддатли асосий карзни сўндириш учун тўловлар.

4. Кредитнинг қайтарилишини таъминлаш

4.1. Ушбу шартнома бўйича берилган кредит куйидагилар билан таъминланади:

а) Умумий киймати _____ (____ / 00) сўм бўлган Карз олувчига тегишли гарови. Банк ва Карз олувчи ўртасида 20 йил _____ да имзоланган 1-сонли гаров мулки кийматини келишиш далолатномасига мувофик гаров предметининг келишилган гаров киймати _____ (____ / 00) сўмни ташкил этади. Кредит таъминоти сифатида тақдим этилаётган юкорида кўрсатилган гаров предмети бўйича гаров шартлари алоҳида Гаров шартномаси билан белгиланади;

б) Умумий киймати _____ (____ / 00) сўм бўлган, З-шахс (гаровга кўювчи) – _____ "га тегишли _____ гарови. Банк, Қарз олувчи ҳамда Гаровга кўювчи ўртасида 20 йил _____ да имзоланган 1-сонли гаров мулки кийматини келишиш далолатномасига мувофик гаров предметининг келишилган гаров киймати _____ (____ / 00) сўмни ташкил этади. Кредит таъминоти сифатида тақдим этилаётган юкорида кўрсатилган гаров предмети бўйича гаров шартлари алоҳида Гаров шартномаси билан белгиланади;

в) Мулк хукуки асосида мулкдор " _____ "га тегишли бўлган, _____ шахри, тумани, _____-уй манзилида жойлашган, умумий киймати Банк ва Қарз олувчи (Гаровга кўювчи - агар гаровга кўювчи З-шахс бўлса) ўртасида 20 йил _____ да имзоланган 1-сонли гаров мулки кийматини келишиш далолатномасига мувофик гаров мулкининг келишилган гаров киймати _____ (____ / 00) сўмни ташкил этадиган кўчмас мулк гарови (ипотека).

Гаровнинг (ипотека) ўзига хос шартлари нотариал тасдиқланган гаров (ипотека) шартномаси билан белгиланади. Қарз олувчи, Гаров предметини сугурталаш шартлари Банк томонидан маъкулланган сугурта компанияси орқали сугурталаш мажбуриятини ўзига олади. Мазкур сугурта шартномаси бўйича Сугурта ходисаси содир бўлган тақдирда Фойда кўрувчи Банк хисобланади. Қарз олувчи томонидан Гаров предмети юзасидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган сугурта шартномаси, сугурта полиси ва нотариал тартибда расмийлаштирилган гаров (ипотека) шартномаси Банкка мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб _____ календар куни ичida/кредит маблагларини тақдим этгунга кадар/тақдим этилиши лозим.

г) Банк ва Қарз олувчи/Гаровга кўювчи (агар гаровга кўювчи З-шахс бўлса) ўртасида 20 йил _____ да имзоланган 1-сонли гаров мулки кийматини келишиш далолатномасига мувофик, гаров

мулкининг келишилган гаров киймати _____ (_____ / 00) сўмни ташкил этадиган, номинал киймати _____ (_____, 00 тийин) сўм бўлган. “Эмитент номи” томонидан чиқарилган хамда “Акция соҳиби”га тегишли бўлган 1000 дона оддий, эгаси ёзилган/ёзилмаган Акциялар гарови (кейинчалик Гаров предмети). Кредит таъминоти сифатида тақдим этилаётган юкорида кўрсатилган гаров предмети бўйича гаров шартлари алоҳида Гаров шартномаси билан белгиланади;

д) “_____”(кейинчалик кафиллик берувчи) нинг умумий суммаси _____ (_____ 00 тийин) бўлган Кафиллиги. Кафилликнинг ўзига хос шартлари Банк, Қарздор ва Кафил ўртасида тузиладиган тегишли Кафиллик шартномасида белгиланади.

е) Банк ва Қарз олувчи/Гаровга кўювчи (агар гаровга кўювчи З-шахс бўлса) ўртасида 20 ____ йил да имзоланган I-сонли гаров мулки кийматини келишиш далолатномасига мувофик гаров предметининг келишилган гаров киймати _____ (_____ / 00) сўмни ташкил этган, 20 ____ йилда ишлаб чиқарилган, давлат раками _____, ранги _____, двигатель раками _____, кузов раками _____ бўлган “_____” га тегишли бўлган, русумли автомашина/махсус техника гарови. Гаровнинг ўзига хос шартлари нотариал тасдиқланган гаров шартномаси билан белгиланади. Қарз олувчи, Гаров предметини сугурталаш шартлари Банк томонидан маъкулланган сугурта компанияси оркали сугурталаш мажбуриятини ўзига олади. Мазкур сугурта шартномаси бўйича Сугурта ходисаси содир бўлган тақдирда Фойда кўрувчи томон Банк хисобланади. Қарз олувчи томонидан Гаров предмети юзасидан ўринатилган тартибда расмийлаштирилган сугурта шартномаси, сугурта полиси ва нотариал тартибда расмийлаштирилган гаров шартномаси Банкка мазкур шартнома имзоланган санадан бошлаб, _____ календарь куни ичida/кредит маблагларини тақдим этилгунга кадар/тақдим этилиши лозим;

ж) Қарз олувчига ажратилаётган кредит хисобига 20 ____ йил _____ даги _____ -сонли шартномага асосан “Сотувчидан” _____ (_____) сўмга сотиб олинаётган автомашина/махсус техника (Кейинчалик гаров предмети) гарови. Гаров предмети келишилган гаров кийматида - _____ (_____ / 00) сўм кабул килинади.

Гаровнинг ўзига хос шартлари нотариал тасдиқланган гаров шартномаси билан белгиланади. Қарз олувчи, Гаров предметини сугурталаш шартлари Банк томонидан маъкулланган сугурта компанияси оркали сугурталаш мажбуриятини ўзига олади. Мазкур сугурта шартномаси бўйича Сугурта ходисаси содир бўлган тақдирда Фойда кўрувчи томон Банк хисобланади. Қарз олувчи томонидан Гаров предмети юзасидан ўринатилган тартибда расмийлаштирилган сугурта шартномаси, сугурта полиси ва нотариал тартибда расмийлаштирилган гаров шартномаси Банкка мазкур шартнома имзоланган санадан бошлаб, _____ календарь куни ичida/кредит маблагларини тақдим этилгунга кадар/тақдим этилиши лозим;

з) “_____”Сугурта Компанияси (кейинчалик “Сугурта килдирувчи”) нинг сўм кийматидаги, кредитнинг кайтмаслиги хавф-хатаридан Сугурта полиси. Ушбу шартнома имзолаган санадан бошлаб _____ календар куни мобайнида/кредит маблагларини берилгунга кадар Банк Сугурта килдирувчи билан киймати _____ сўм бўлган кредитнинг кайтмаслиги хавф-хатари юзасидан сугурта шартномасини тузади ва сугурта мукофотини Сугурта килдирувчига тўлаб беради, Қарз олувчи эса Банк томонидан тўланган сугурта мукофоти суммасини ўша куннинг ўзида коплаб беради.

и) _____ сўм микдоридаги Гаров депозити.

4.2. Агар Қарз олувчи ушбу шартномада кўрсатилган муддатларда кредит бўйича асосий карзни ва/ёки кредит фоизларини тўлаш қобилиятига эга бўлмаса/тўловларни амалга ошира олмаса, Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик Банк ундирувни мазкур шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган Кредит таъминотига каратиш бўйича мутлок хукукка эга бўлади.

4.3. Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофик, Қарз олувчи мазкур шартнома доирасида ўз мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан ўзига тегишли ва ундирувни каратиш мумкин бўлган барча мол-мулки билан жавобгардир.

5. Банкинг мажбуриятлари

Банк куйидаги мажбуриятларни олади:

5.1. Ушбу Шартномада кўзда тутилган микдорда хамда шартларда Қарз олувчига кредит маблагларини ажратиш.

Қарз олувчи ва учинчи шахслар томонидан таъминот бўйича ушбу шартноманинг 4-бандида кўрсатилган барча мажбуриятлар бажарилган хамда Қарз олувчининг молиявий холати ёмонлашуви аломатлари сезилмаган холларда Банк ўзининг мажбуриятларини бажаради.

5.2. Ушбу шартномага мувофик кредитнинг фойдаланилган кисми бўйича фоизларни хисоблаш.

5.3. Олингган кредитнинг хисобини юритиш учун, Карз олувчининг номига ссуда хисоб ракамини очиш ва лозим ҳолларда бу хисоб айланмаси кўчирмаси маълумотларини Карз олувчига тақдим этиб бориш. Карз олувчининг хисоб-вараги бўйича банк кўчирмаси агар аник католиклар мавжуд бўлмаса, ушбу Шартнома бўйича Карз олувчининг тўлов мажбуриятлари пайдо бўлишининг ёки бажарилишининг якуний далили хисобланади.

5.4. Карз олувчига Банк томонидан кредитни муддатидан олдин кайтариб олиш асослари ва сабаблари бўйича хабар бериш.

6. Банкнинг хукуклари

6.1. Кредит бериш жараёнида Банк Карз олувчининг молия-хўжалик фаолиятини, бухгалтерия хисоби ва хисоботи ҳолатини, кредитдан мақсадли фойдаланишини текширишга хакли.

6.2. Банк кредитлашнинг бутун даври мобайнида кредит таъминоти ва унинг сакланиши ҳолатини, таъминотнинг етарлилиги ва ликвидлилигини, шунингдек гаров шартномаси бўйича Карз олувчи томонидан ўзига олингган мажбуриятларнинг бажарилишини вакти вакти билан текшириб боради. Текширувларни ўтказиш даврийлиги Банк томонидан белгиланади.

6.3. Агар тўлов хужжатлари мазкур шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси конунчилигига зид равиша расмийлаштирилган тақдирда, Банк Карз олувчига унинг ссуда хисоб ракамидан тўловларни ўтказиб беришдан бош тортиш хукукига эга.

6.4. Кредит бўйича асосий карз ёки хисобланган фоизларни тўлаш муддати келганида, Банк асосий карз, хисобланган фоизлар ва кредит бўйича бошка тўловларни уидириш учун Карз олувчининг банкда очилган талаб килиб олгунгача бўлган депозит хисоб варакларидан, агар уларда маблағлар мавжуд бўлмаган ҳолларда бошка банкларда очилган барча хисобвараклардан маблағларни сўзсиз, хеч кандай шартларсиз ва акцептсиз равиша кўчириш бўйича мутлоқ хукукка эга бўлади.

6.5. Куйидаги ҳолларда:

- ушбу Шартнома бўйича Карз олувчи зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги/тўлик бажарилмаслиги ва/ёки бузилиши;
- карз олувчи молиявий ахволининг ёмонлашуви, Караздорнинг банкротлиги;
- кредит таъминотининг ликвидлиги, кийматини ва хакиқийлигининг йўқотилиши, гаров предметининг кисман ёки тўлик заарланиши;
- карз олувчи томонидан Банкка ишончсиз/нотўғри маълумотларни тақдим этиш ҳолатларининг Банк томонидан аникланиши;
- бухгалтерия хисоби ва хисоботининг эътиборсиз колдирилиши, Банкка хисоботларнинг тақдим этилмаслиги, Караздорнинг банк назоратидан бош тортиши;
- банк томонидан кредит ресурсларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аникланиши;
- асосий карз, фоизларни ўз вактида тўламанмаслиги;
- карз олувчининг Банкни ёзма равиша огохлантирган ҳолда ўз ташкилий-хукукий шаклиниң ўзгарилиши, қайта ташкил этилиши (бошка корхоналарга кўшилиб кетилиши, ажралиб чикиши, алмаштирилиши), тугатилиши;
- Карз олувчи ёки учинчи шахсларга нисбатан Карз олувчи билан боғлик ҳолда бирон-бир тарзда даъво ёки иш кўзгатилиши натижасида Карз олувчининг ҳар қандай мол-мулки ўз кредиторлари орасида таксимланиши мумкин бўлса ҳамда бу ҳолат Караздорнинг мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш кобилиятига салбий таъсир кўрсатиши;
- кредитни кайтарилимаслик хавфни оширадиган ҳар қандай омилларнинг пайдо бўлиши;
- Сугурта компаниясининг сугурта қопламасини тўлик ёки кисман тўлаш бўйича мажбуриятларининг тугатилиши;
- кредитнинг қайтарилимаслик хавфи юзасидан сугурта шартномасининг бекор қилиниши ёки амал қилишининг тугаши;
- Карз олувчи томонидан пул айланмаларининг асосий кисмини АТБ "ASIA ALLIANCE BANK" тизимида амалга оширмаслиги,

Банк куйидаги хукукларга эга:

- кредит бўйича асосий карз, улар бўйича хисобланган фоизлар ва/ёки бошка тўловларни тўлашга йўналтириш учун Караздорнинг ҳар қандай хисобварагидан маблағларни сўзсиз равиша хисобдан чиқариш;
- ушбу шартнома бўйича янги суммаларни ва навбатдаги траншларни ва/ёки янги кредитларни беришни тўхтатиш;
- кредитни муддатидан олдин кайтариши талаб килиш, шу жумладан кредитни муддатидан олдин кайтариши тўлик ёки кисман гаров предметига, Кафилга ва/ёки Сугурта килувчига каратиш. Ушбу ҳолатда Банк Караздорга кредит бўйича мажбуриятларни тўлик бажариш учун 5 (беш) календар кунлик муддат берган ҳолда кредитни муддатидан олдин кайтариш тўғрисидаги талабнома юборади.

7. Қарз олувчининг мажбуриятлари

Қарз олувчи куйидаги мажбуриятларни олади:

7.1. Кредитдан фойдаланиш жараёнида муддатлилик, қайтаришлилк, мақсадлилк, тўловлилк ҳамда таъминланганлик каби кредит беришнинг асосий тамойилларига риоя килиш.

7.2. Кредитдан ушбу шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган мақсадлар учун фойдаланиш.

7.3. Кредитдан фойдаланганлик учун хисобланган фоизларни мунтазам ва ўз муддатида тўлаб бориш, олинган кредит ва фоизларни ушбу шартномада белгиланган муддатларда қайтариш.

7.4. Кредитглаш даврида кредит маблаглари, фоизлар ва комиссиялар тўлилк коплангунига кадар, Банкда очилган депозит хисобварагида кредит карздорликларини тўлаш учун етарли микдордаги пул маблаглари мавжуд бўлишни таъминлаш.

7.5. Бошка банкларда хисобракамлар очилган тақдирда, ушбу хисобракамлар очилган кундан бошлаб 5 (беш) календар кунидан ошмаган муддат ичida Банкни хабардор килиш.

7.6. Ўз ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши, корхонани кайта ташкил этиш ёки тугатиш юзасидан кутилаётган ўзгаришлар бўйича Банкни олдиндан огохлантириш, шунингдек, Банк билан олдиндан келишмасдан ҳамда унинг рухсатини олмасдан туриб ушбу Шартнома бўйича Қарз олувчига юклатилган мажбуриятларни ўз вактида ва тўлилк бажариш қобилиятига салбий таъсир килиши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-харакатларни амалга оширмаслик.

7.7. Кредит таъминотини кредит суммасининг камидаги 125% микдорида бўлишини таъминлаш.

7.8. Банкнинг олдиндан розилигини олмасдан туриб, учинчи шахслар олдида мажбуриятларни бажариш кафолати сифатида ўзининг ҳар қандай мол-мулкини гаровга тақдим қиласлик, учинчи шахсларнинг мажбуриятлари бўйича Кафил бўлмаслик ёки Кафолат бермаслик.

7.9. Банк томонидан гаровга кабул килинадиган мулкни Банкка маъкул бўлган шартлар асосида сугурталаш.

Банк томонидан сугурта шартномаси бўйича тўлаб берилган сугурта тўловлари харажатларни коплаб берилиши талаб килинган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни давомида коплаб бериш.

7.10. Банкнинг талабига кўра ҳар қандай молиявий, бухгалтерия ва бошка хужжатларни ҳамда маълумотларни зудлик билан тақдим этиш, зарур бўлган холларда Банкнинг ўзига ёки банк ишонч билдирган ташкилотга бундай хужжатлар билан жойига бориб танишиш ва текширишга, шунингдек, мазкур шартноманинг 6.2- бандида кўрсатиб ўтилган холатларга оидинлик киритиш юзасидан бошка харакатларни амалга оширишга шарт-шароит яратиб бериш.

Ушбу шартноманинг 6.2-бандида кўрсатиб ўтилган Банкнинг назорат функцияларини амалга ошириш учун, Банкка куйидагиларни:

- барча иловаларини ўз ичига олган ҳар чораклик бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги хисботни;
- асосий воситалари ёйилмаси (баланс киймати кўрсатилган холда);
- муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик карзлари бўйича чораклик ёйилма маълумотларни;
- банкнинг талабига кўра Қарз олувчининг молия-хўжалик фаолияти юзасидан бошка керакли маълумотларни тақдим этиб бориш ҳамда Банк ходимларига Қарз олувчининг молия-хўжалик фаолиятига таалукли бўлган хужжатларини текширишга рухсат бериш.

Банкка тақдим этилган ҳар қандай маълумотларнинг конуний ва тўғрилиги юзасидан маъсулият ва жавобгарлик Қарз олувчи зинмасига юклатилади.

7.11. Текширишларни амалга ошириш учун Банк ходимларига хизмат хоналарига, ишлаб чикариш, омборхона ва бошка биноларга киришларига шароит яратиши. Текширишларни ўтказиш вакти ва саналари Банк томонидан мустакил равишда белгиланади.

7.12. Бюджет ҳамда бюджетдан ташкири фонdlар ва контрагентлар олдида юзага келган муддати ўтган карздорликнинг келиб чиқиши ва микдори ҳақида дархол Банкка хабар килиш.

7.13. Корхона реквизитлари (номи, жойлашган манзили ва почта манзили), раҳбарият ва таъсисчилар таркибида юзага келиши кутилаётган ўзгаришлар бўйича Банкка ёзма равишда, шунингдек бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб 3 (уч) календар куни ичida тегишили ўзгаришларнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилганлигини тасдиковчи хужжатларни тақдим этиш.

7.14. Ушбу шартнома доирасида Қарз олувчи мажбуриятларнинг тўлилк ва ўз вактида бажарилиши қобилиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча ходисалар ва омилларни Банкка маълум килади.

7.15. Кредитнинг қайтарилишини таъминлаш учун, Банк талаби бўйича Қарз олувчи куйидаги холларда, кўшимча таъминот тақдим этиш мажбуриятини олади:

- Қарз олувчи молиявий ахволининг ёмонлашуви;
- Кафилнинг ёки Сугурта килдирувчи молиявий ахволининг ёмонлашуви ёки банкротлиги;
- гаров таъминоти кийматининг камайиши (бозор нархининг пасайиши), гаров предметининг кисман ёки тўлилк зарар кўриши ёки йўқотилиши;

- сугурта шартномасининг бекор килиниши;
- кредитнинг кайтмаслик хатарини оширувчи бошка омилларнинг юзага келиши.

Юкорида кўрсатилган ҳолатларда, шунингдек, гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқотилиши ва ёки кисман заарланиши ва ёки унинг бозор кийматининг пасайиши ҳолатларида, Қарз олувчи бир пайтнинг ўзида Гаровга қўювчи бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, Банк томонидан тегишили талаб юборилган кундан бошлаб 10 (үн) календар кун ичida Банкни қоникитирадиган даражадаги қўшимча таъминотни тақдим этиши шарт.

7.16. Қарз олувчи молиявий ҳолатининг ёмонлашувига ҳамда Банк олдидағи ўз мажбуриятларини бажара олмаслик хавфини ортишига олиб келувчи ҳар қандай мажбурият ва вазифаларни қабул қилмаслик.

7.17. Бундай мажбуриятлар бажарилгунга кадар 5 календар кун олдиндан, Қарз олувчи банкдаги ўз хисоб ракамларида бюджет ва учинчи шахслар олдидағи мажбуриятлардан холи бўлган ҳамда Банк кредити бўйича ўз мажбуриятларини бажарилишини таъминлашга етадиган микдорда минимал даражадаги маблаглар колдиги мавжуд бўлишини таъминлаши шарт.

Ушбу муддат мобайнида Қарз олувчи талаб килиб олингунча депозит хисобваракларидан амалга ошириладиган барча харажатларни Банк билан келишган холда амалга оширишга мажбур.

7.18. Қарз олувчининг ташаббуси билан кредит шартлари ўзгарган тақдирда, Банк Тарифларига мувофик банк комиссиясини тўлаши.

7.19. Пул айланмаларининг асосий кисмини АТБ "ASIA ALLIANCE BANK" тизимида амалга ошириш.

8. Қарздорнинг ҳукуклари

Қарз олувчи:

8.1. Ушбу шартнома шартларига мувофик кредит олиш ва ушбу шартноманинг 2.2-бандида кўрсатиб ўтилган кредит муддати давомида кредитдан фойдаланиш.

8.2. Банкни ёзма равишда огохлантирган ва банк билан кредит бўйича барча хисоб китобларни амалга оширган холда кисман ёки тўлик равишда кредитдан фойдаланмаслик.

8.3. Кредит қарздорлигини кисман ёки тўлик равишда ўз муддатидан олдин кайтариш. Кредитни муддатидан олдин кайтариш мазкур шартноманинг 3.7. бандида назарда тутилган тартибида амалга оширилади.

9. Томонларнинг мажбуриятлари

9.1. Шартнома мажбуриятлари томонларнинг бири томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, ушбу томон бошка томонга етказилган заарларни коплаб беради, шунингдек Ўзбекистон Республикаси конунларида белгиланган тартибида жавобгар бўлади.

9.2. Мазкур шартноманинг 7.6, 7.7, 7.8., 7.9-бандларида назарда тутилган мажбуриятларни бузганлик учун Банк Қарз олувчидан амалдаги базавий хисоблаш микдорининг 5 баробари микдорида жарима ундиришга хакли.

10. Бошка шартлар

10.1. Банк томонидан Қарз олувчининг Банкка маълум бўлган сўнгги манзилига юборилган ҳар қандай ёзишмалар, шунингдек билдирилган ҳар қандай хабар юборилган кундан бошлаб учинчи иш кунига Қарз олувчи томонидан кабул килинган деб, Банк томонидан етказилган деб хисобланади. Билдиришноманинг юборилган санаси Почта муҳри бўйича аниқланади.

10.2. Ушбу шартнома ҳар икки томон имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва Қарз олувчи ушбу Шартномага мувофик Банк олдида олган барча мажбуриятларини тўлик бажаргунга кадар амал қиласди.

10.3. Агар томонлардан бирортаси юридик шахс сифатида фаолият юритиши тўхтатган ёки унинг юридик мавкеяига бошка ўзгаришишлар киритилган тақдирда, у ушбу шартнома доирасида бошка томоннинг олдидағи ўз мажбуриятларини ўзининг фаолиятини тутатгунга қадар (ўзгаришишлар киритилгунга қадар) бажарип қўйиши шарт, фақатгина бу мажбуриятлар тутатилаётган (ўзгариш киритилаётган) томоннинг ҳукукий вориси зинмасига юқлатилган ҳолатлар бундан мустасно.

10.4. Ушбу билан Қарз олувчи Банк томонидан кредит тарихини шакллантириш учун кредит шартномасининг имзоланиши шартлари, тақдим этилган таъминот ҳамда мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ маълумотларни Кредит ахбороти давлат реестри, Кредит бюроси, Гаров реестрига тақдим этишга ўз розилигини билдиради.

10.5. Томонлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган холларда ушбу шартномани бажариш билан боғлиқ низолар Тошкент шаҳар туманлараро иктисадий судида ёки Фукаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судида кўриб чиқилади.

10.6. Томонлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган холларда, икки томоннинг мажбуриятларини асослашда банк ёзувлари устуворликка эга.

10.7. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартиршилар ва қўшимчалар, улар ёзма шаклда тузилган ва тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина ҳакикий хисобланади.

10.8. Ушбу шартнома ҳар бир томон учун биттадан, жами 2 та асл нусхада тузилди.

10.9. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси конунчилиги билан тартибга солинади.

БАНК:

АТБ «ASIA ALLIANCE BANK»
филиали

Манзил: _____

СТИР: _____

МФО: _____

Телефон: _____

М.Ў.

Карз олувчи:

«_____» МЧЖ

Манзил: _____

СТИР: _____

х/р: _____

МФО: _____

Раҳбар _____

Бош хисобчи _____

М.Ў. (агар мавжуд бўлса)

1. Шартноманинг 3.3-банди агар кредит маблаглари фақат конвертация учун ўйналтирилган тақдирда қўлланилади.

2. Шартноманинг 3.3-банди 3-хат боши талаблари агар кредит маблаглари хорижий валютада ажратилган тақдирда қўлланилади.

3. Татъминот турлари ҳар бир холат бўйича алоҳида кўрсатилади.

4. Тошкент шаҳридан ташқарида жойлашган филиаллар учун шартноманинг 10.5-бандида ўша ҳудуднинг тегишли суди кўрсатилади.